

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХАММАДИЕВ ОЙБЕК РАМАЗОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МЕТАЛЛ
КОРРОЗИЯСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ КОРРОЗИЯ
ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Махаммадиев Ойбек Рамазон ўғли

Маҳаллий хомашёлар асосида металл коррозиясининг олдини олувчи
коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш3

Махаммадиев Ойбек Рамазон угли

Разработка технологии получения ингибиторов, предотвращающих коррозию
металлов, на основе местных сырьевых ресурсов.....21

Makhammadiyev Oybek Ramazon ugli

Development of technology for production of corrosion inhibitors that
prevent metal corrosion based on local raw materials.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....41

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.К/Т.78.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МАХАММАДИЕВ ОЙБЕК РАМАЗОН ЎҒЛИ

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА МЕТАЛЛ
КОРРОЗИЯСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛУВЧИ КОРРОЗИЯ
ИНГИБИТОРЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1725 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг (www.tktiti.uz) ҳамда «Ziyounet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Маъсуд Убайдулла ўғли
техника фанлари доктори, профессор

Нарзуллаев Акмал Холлипорович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 рақамли илмий кенгашнинг «28» 02 2023 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2023/5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111116, Тошкент тумани, Ибрат МФЙ., Шуробозор Тел.: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «16» 02 кuni таркатилди.

(2023 йил «16» 02 даги № 2023/5 рақамли реестр баённомаси).



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси,
к.ф.д. проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
т.ф. PhD., к.и.х.

Нуркулов Ф.Н.
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё микёсида металл конструкцияларини тажовузкор муҳитлардаги коррозиядан сақловчи, рақобатбардош ва юқори самарали ингибиторларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Саноатнинг тез суръатларда ўсиб бориши ва металл буюмларга эҳтиёжнинг юқорилиги кислотали ва ишқорий муҳитларда ишлатилувчи самарадор ингибиторларга бўлган талабнинг ошишига сабаб бўлмоқда. Концентрацияси юқори бўлган бир компонентли ингибиторлардан воз кечиб иқтисодий жиҳатдан арзон бўлган ва атроф муҳитга зарарсиз композит ингибиторлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек коррозия жараёнини бартараф этишда ингибиторларнинг тузилиши, миқдори, ҳарорат ҳамда таъсир қилувчи агрессив муҳит табиатининг ингибиторлар ҳимоялаш даражасига таъсир механизмини ўрганиш натижасида ингибириллаш хоссаларини таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда металллар коррозиясига қарши таркибида азот, фосфор ва олтингурут тутган гетероатомли, амин гуруҳи тутган ароматик ва алифатик бирикмалар шунингдек полисиликатлар ва комплекс бирикмалар асосида сувда ва нефтда эрувчи органик ҳамда ноорганик моддалар асосида самарадор бўлган ингибиторлар ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб олиш технологияси мураккаб, таннархи қиммат, заҳарли бўлган ингибиторлар ўрнига, маҳаллий хомашёлар ва саноат иккиламчи маҳсулотлари асосида икки ва ундан ортиқ компонентлардан ташкил топган, экологик хавфсиз, атроф муҳитга кам зарар етказадиган композит ингибиторлар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Республикамизда маҳаллий хомашёлар ва саноат иккиламчи маҳсулотлари асосида композициялар ва кўпфункционали самарадор ингибиторлар ишлаб чиқишда маълум илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида “Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулотлар олиш технологияларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш” бўйича амалга ошириладиган муҳим вазифалар ва бажариладиган тизимли ишлар белгилаб берилган. Бу борада металл буюмлари коррозиясини олдини олувчи олигомер типдаги композит бирикмалар олиш бўйича амалий изланишлар олиб борилган. Бу эса саноат чиқиндилари асосида янги типдаги ингибитор бирикмалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»¹ ги, 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон «Худудларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги» Фармони

саноат салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё мамлакатлари олимлари томонидан йиллар давомида металллар коррозиясини олдини олувчи хар-ҳил турдаги ингибиторлар синтез қилиниб, таркиби такомиллаштириб келинмоқда. Бугунги кунда металллар коррозиясини олдини олишда ингибиторлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган кўпгина олимларнинг ишларига тўхталиш мумкин жумладан, Branko N.Popov., W.Li., L.M.Calle., A.SH. Makhlouf., E.Cano., D. Lafuente., J.de Damborenea., M.A. Arenas., K. Kordesch., W. Taucher-Mautner., C LPage., Gianni Rondelli., Elmer Pérez., C. Monticelli, A. P. Фахрутдинова., Н. И. Муқатдисов., И.А. Шипигузов., О.В. Колесова., Л.Е. Цыганкова., Е.А. Корякина., Рихсходжаева Г.Р., Ризаев А.Н., Чепкасова О.А., Кузнецов Ю.И., Е.А. Шитикова., Т.П. Дьячкова., Н.Г. Россина., Н.А. Попов., М.А. Жилякова., А.В. Корелин, А.Т. Джалилов, Х.И. Акбаров, Х.С. Бекназаров, Р.С. Тиллаев, Ф.К. Курбанов, А. Икрамов, Х.И. Қодиров, Д. Юсупов, В.П. Гуро, Н.Б. Эшмаматова, А.Ж. Холиқов ва бошқа шу каби жаҳон ва мамлакатимиз олимлар томонидан катта ҳажмдаги тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ушбу олимларнинг илмий изланишлари, юқори самарадор ингибиторларни яратишга ва уларнинг таъсир механизмини ўрганишга асосланган.

Хозирги вақтда кимё саноати корхона ва заводларидаги мавжуд коррозион муҳитларда юқори самара берувчи маҳаллий хомашёлар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида композит ингибиторлар яратишга катта эътибор берилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти ва Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институти МЧЖ илмий-тадқиқот ишлари режасининг Х/Ш № 12/06 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги самарали олигомер коррозия ингибиторларини яратиш ва татбиқ этиш» (2007 й.), мавзусидаги хўжалик шартномаси, шунингдек А12-005 «Маҳаллий хомашёлар асосида янги самарали коррозия ингибиторларини ишлаб чиқиш ва қўллаш» (2015-2017 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади N ва P тутган бирикмалар асосида юқори самарадор композит ингибиторлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таркибида амин гуруҳи тузлари ва фосфат гуруҳлари бўлган композит ингибиторларни олиш ва жараёнининг оптимал шароитларини аниқлаш;

олинган коррозия ингибиторларида ҳосил бўлган янги функционал гуруҳлар ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

олинган ингибиторларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича лаборатория тажриба синовлари, гравиметрик ва электрокимёвий таҳлиллар ўтказиш;

коррозия тезлиги, химоялаш даражаси ҳамда тормозлаш коэффициентини, ҳарорат, муҳит рН, ингибиторлар концентрацияси ва функционал гуруҳларга боғлиқлигини аниқлаш;

СЭМ ва атом куч микроскопия усуллари ёрдамида пўлат сиртининг морфологиясини ўрганиш;

композит коррозия ингибиторларининг олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида этаноламинлар, этилендиамин, карбамид, тиокарбамидлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таркибида амин тузлари ва фосфат гуруҳлари сақлаган моддалар асосида коррозия ингибиторлари олишнинг оптимал шароитларини, шунингдек, ишлаб чиқилган янги ингибиторларнинг ҳар ҳил муҳит, ҳарорат ва ингибитор концентрациясига боғлиқ ҳолда химоялаш даражаларининг ўзгаришини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида металл юзаси коррозиясини аниқлаш ҳамда олинган намуналарнинг тузилиши ва хоссаларини тадқиқи этишда инфрақизил спектроскопия (ИҚ-спектроскопия), сканерловчи электрон микроскопия (СЭМ), атом куч микроскопия (АКМ), гравиметрик ҳамда электрокимёвий таҳлил каби замонавий физик-кимёвий усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

этанолламинлар, этилендиамин, карбамид, тиокарбамид асосида янги таркибли композит коррозия ингибиторлари олинган ҳамда жараённинг оптимал шароитлари аниқланган;

олинган коррозия ингибиторларида ҳосил бўлган янги функционал гуруҳлар ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

кўп функцияли таъсир этувчи ингибиторлик хоссасига эга бўлган коррозия ингибиторлари ишлаб чиқилган;

сканерловчи электрон микроскоп ва атом куч микроскоп усуллари орқали олинган микрофотографиялар асосида ингибирланган пўлат сиртининг морфологик ўзгаришлари кўрсатиб берилган;

ишлаб чиқилган янги композит ингибиторларнинг коррозия тезлиги, химоялаш даражаси, сиртни тўла қоплаш даражаси, тормозлаш коэффициентлари аниқланган;

этанолламинлар асосида олинган композит коррозия ингибиторлари кислотали, тузли ва нейтрал муҳитларда юқори самарадорликка эга бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

этанолламинлар, этилендиамин, карбамид, тиокарбамид асосида кўп функцияли таъсир этувчи янги таркибли композит коррозия ингибиторлари олинган;

коррозия ингибиторлари олишнинг ресурс тежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

олинган коррозия ингибиторларнинг қўллаш технологияси ишлаб чиқилган ва иқтисодий самарадорлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган композит коррозия ингибиторлари ишлаб чиқариш корхоналаридаги турли муҳитларда синаб кўрилган ва ингибиторларнинг ишқорий ва нейтрал муҳитлардаги самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган коррозия ингибиторларининг физик-кимёвий хоссалари ва самарадорлигини аниқлашда замонавий термодинамик, кинетик ва адсорбцион таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, назарий ва синов натижаларнинг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган композит ингибиторларнинг самарадорлиги, уларнинг таркиби, оптимал нисбатлари ва физик-кимёвий хоссаларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланганлиги ҳамда композит ингибиторлар олишнинг экологик ҳавфсиз технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган композит ингибиторлар кислотали-тузли ва айланма сувли муҳитлардаги пўлатни коррозиядан юқори даражада ҳимоялаб, металл конструкцияларни узок муддат самарали ишлашига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Маҳаллий хомашёлар асосида металл коррозиясининг олдини олувчи коррозия ингибиторларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

янги ингибитор бирикмалар, “Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ да сув айланма системали муҳитларда коррозия жараёнини секинлаштиришда жорий қилинган (“Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг 2022 йил 27 апрелдаги № 030/1635-сон маълумотномаси). Натижада ички сув айланма системаларидаги сув ўтказувчи ва сақловчи пўлат конструкцияларни ишлаш муддатини узайтириш имконини берган;

олинган коррозия ингибиторлари “Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ да ишқорий ва нейтрал муҳитларда металл конструкцияларни коррозиядан ҳимоялашда амалиётга жорий қилинган (“Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг 2022 йил 27 апрелдаги № 030/1635-сон маълумотномаси). Натижада, ишқорий ва нейтрал муҳитларда юқори самарадорликка эга бўлган коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, жумладан 9 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика, 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида кимё, нефт-газ, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида ҳосил бўлувчи, металллар коррозиясига олиб келувчи агрессив муҳитларга қарши коррозия ингибиторларини олиниши ва қўлланилишини ўрганиш юзасидан охириги йиллар давомида мамлакатимиз, Осиё ва Европа олимлари томонидан олиб борилаётган илмий-амалий ишланмалар келтириб ўтилган. Коррозияни келтириб чиқарувчи ташқи муҳит омиллари, йирик саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарида металл конструкцияларининг коррозига учраши оқибатида келиб чиқадиган зарар ва йўқотишларни энг самарали ва иқтисодий томондан қулай, экологик хавфсиз металллар коррозиясига қарши ингибиторлар билан олдини олиш йўллари келтириб ўтилган. Ингибиторларнинг кислотали, ишқорий ва нейтрал муҳитлардаги ҳимоялаш самардорликлари, тормозлаш коэффициентлари, сиртни тўла қоплаш даражалари, бундан ташқари кислотали муҳитларларда олиб борилган электрокимёвий коррозияга оид илмий тадқиқотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Коррозия ингибиторларининг олиниши ва амалиётда қўлланилиши бўйича амалга оширилган тадқиқотлар”** га бағишланган биринчи бобида коррозия ингибиторларини олиниши ва қўлланилиши, шунингдек уларнинг самарадорлигига доир кўплаб адабиётлар таҳлил қилинган. Турли ҳил агрессив муҳитларга қарши хар ҳил индивидуал таркибли ингибиторлар, шунингдек ўзининг кўпфункционаллиги билан паст концентрацияларда ҳам юқори ҳимоя самарадорликка эга композит ингибиторларни олиниши ва уларни саноатда қўллаш усуллари бўйича илмий тадқиқотлар таҳлили ўрганиб чиқилган.


Диссертациянинг **“Композит ингибиторларни олиниши ва фойдаланилган усуллар”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектлари ҳисобланган бирикмаларнинг олиниш шароитлари, олинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари, реакция унумининг дастлабки моддалар нисбати, ҳарорат ва вақтга боғлиқлиги графиклар кўринишида келтирилган. Шунингдек, синтез қилиб олинган бирикмаларда янги ҳосил бўлган функционал гуруҳларни (ИК) спектроскопия усули ёрдамидаги

таҳлил натижалари келтирилган. Лаборатория тажриба-синов жараёнларида ишлатилган фон эритмалар ва пўлат пластинкасининг таркиби келтирилган. Атом куч микроскопия усули ёрдамида пўлат юзасининг сирт морфологияси ўрганилган ва таҳлил қилинган.


Тажрибалар давомида олинган ЭФГТ ингибиторининг умумий ҳолатдаги реакция схемасини кўйидагича келтириш мумкин:




ЭФГК ингибиторининг реакция схемасини кўйидагича келтириш мумкин:




Этаноламинлар иштирокидаги ДФГК ингибиторининг реакция схемасини кўйидагича ифодалаш мумкин бўлади:





1-расм. Реакция унумини дастлабки моддалар нисбати ва вақтга боғлиқлиги.


Бу графигимизда реакция унумини дастлабки моддалар нисбати ва вақтга боғлиқлиги келтирилган бўлиб, 1:0,5:0,03:1 нисбатда 3 соат вақт давомида энг юқори реакция унумига эришилди.




2-расм. Ингибиторларнинг реакция унумини ҳароратга боғлиқлиги.

Ушбу графикда эса ингибиторларнинг ҳосил бўлиш унумини ҳароратга боғлиқлиги келтирилган бўлиб, тажрибалар давомида ҳарорат ортиши билан реакция унуми ҳам ортиб бориш кузатилди ва 120°C ҳароратда энг юқори унумга эришилди ва оптимал ҳарорат аниқлаб олинди.

Атом куч микроскопи ёрдамида пўлат юзасининг дастлабки, ингибирланган ҳамда ингибиторсиз муҳитлардаги (3D) форматдаги сирт морфологиялари ўрганилди.




3-расм. Атом куч микроскопи усулида олинган пўлат сиртининг дастлабки ҳолатини (3D) форматда кўриниши



4-расм. Атом куч микроскопи усулида олинган пўлат намунаси сиртининг 1М НСІ эритмасига 24 соат давомида ботирилгандан сўнг (3D) фарматда кўриниши

3-расм бўйича пўлат сиртининг дастлабки ҳолатида юза текис бўлиб ботиқликлар йўқлигини кўриш мумкин. Кейинги расмда пўлат намунаси сиртининг 1М НСl эритмасига 24 соат давомида ботирилгандан сўнг (3D) фарматда кўриниши келтирилган бўлиб, бу ҳолатда пўлат юзасида ботиқликлар яққол ифодаланган бўлиб, бу юзада коррозия жараёни бориб емирилиш бўлганлигини англатади.



5-расм. Атом куч микроскопи усулида олинган пўлат намунаси сиртининг 1М НСl эритмасига 24 соат давомида ЭФГТ композит ингибитори иштирокида ботирилгандан сўнг (3D) фарматда кўриниши

5-расмда эса пўлат намунаси сиртининг 1М НСl эритмасига 24 соат давомида ЭФГТ композит ингибитори иштирокида ботирилгандан сўнг (3D) фарматда кўриниши келтирилган бўлиб, бу ҳолатда пўлат юзасида ботиқликлар кичик бўлиб бу эса коррозия жараёни анча камайганлигини англатади.

“Композит коррозия ингибиторларининг пўлатни химоя қилиш самарадорлигини ўрганиш” га бағишланган учинчи бобда композит ингибиторлар ва уларнинг коррозияга қарши хусусиятларининг гравиметрик ҳамда электрохимёвий тадқиқот натижалари таҳлиллари келтирилган. Ингибиторларнинг химоялаш самарадорлигига ингибитор концентрациялари, муҳит ҳарорати ва муҳит агрессивлик даражаларининг таъсири ўрганилган. Ингибиторларни ишлатишдаги оптимал концентрациялар ва ҳароратлар оралиғи белгилаб олинган. Кинетик ўрганишлар натижасида активланиш энергиялари, адсорбция назариялари ёрдамида термодинамик параметрлари ҳисоблаб чиқилди. СЭМ таҳлили натижасида пўлат сиртининг микрофотографиялари олиниб дастлабки ҳолат, коррозияланган ҳолат, ингибитор иштирокидаги пўлат сиртининг кўринишлари таҳлил қилинган.


1-жадвал

ЭФГТ ва ДФГТ ингибиторларининг 0,5 М НСl+200 мг/л NaCl кислотали-тузли эритмада коррозия тезликлари ва химоялаш самарадорлиги

Ингибиторлар	C, (мг/л)	W, гр/(м ² ·соат)	Z, (%)
ингибиторсиз	-	1.0702	-
ЭФГТ	50	0,1906	82,24
	100	0,1421	86,72
	150	0,1138	89,43
	200	0,0754	92,25
ДФГТ	50	0,1714	84,11
	100	0,1295	87,89
	150	0,1058	90,11
	200	0,0721	93,26

1-жадвалда ЭФГТ ва ДФГТ ингибиторларининг кислотали-тузли агрессив эритмаларда хар хил концентрацияда коррозия тезликлари ва химоялаш даражалари ўрганилганда, ДФГТ ингибиторининг Ст-20 ни химоялаш самарадорлиги ЭФГТ га қараганда юқорирак эканлиги аниқланди.


Хулоса қилиб, ингибитор концентрацияси ортиши билан коррозия тезликлари камайиб химоялаш даражаси ортганини келтиришимиз мумкин.




6-расм. ЭФГТ ва ДФГТ ингибиторларининг химоялаш даражаларини ва металл коррозия тезликларини ингибитор концентрациясига боғлиқлик графиги.

Ушбу расмда ингибиторларининг химоялаш даражаларини ва металл коррозия тезликларини ингибитор концентрациясига боғлиқлиги график кўринишида келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ингибиторлар концентрацияси ва муҳит ҳароратига қараб коррозия тезлиги ва ингибиторлар самарадорлиги ўзгаради.



7-расм. ЭФГТ-1, ЭФГК-1 ингибиторлари иштирокида ва иштирокисиз 0,5 М НСІ муҳитида коррозия тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги.



8-расм. ЭФГТ-1, ЭФГК-1 ингибиторлари иштирокида ва иштирокисиз 0,5 М Н₂SO₄ муҳитида коррозия тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги.


Ушбу графикларда ингибиторлар иштирокида ва иштирокисиз хлорид кислота ва сульфат кислоталар эритмасида коррозия тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги келтирилган бўлиб, ҳароратнинг ошиб бориши ингибиторсиз муҳитда коррозия тезлигини жадал ошишига олиб келади. Муҳитга ингибитор киритилганда эса коррозия тезлиги сезиларли даражада камайганлигини кўриш мумкин.

2-жадвал


Хар хил ҳарорат ва концентрацияда ДФГТ ингибиторининг Фон-1 эритмадаги коррозия тезлиги ва ҳимоялаш даражалари

Ингибитор	T, (°C)	C, (мг/л)	W, гр/(см ² ·соат)	γ	η, (%)	θ
ДФГТ	20	-	0,264	-	-	-
		50	0,0498	5,3	81,13	0,8113
		100	0,0365	7,2	86,17	0,8617
		150	0,0142	18,6	94,62	0,9462
	30	-	0,303	-	-	-
		50	0,0525	5,7	82,67	0,8267
		100	0,0426	7,1	85,94	0,8594
		150	0,0227	13,3	92,50	0,9250
	40	-	0,341	-	-	-
		50	0,0449	7,6	86,83	0,8683
		100	0,0368	9,2	89,21	0,8921
		150	0,0236	14,4	93,08	0,9308

2-жадвалда ДФГТ ингибиторларнинг хар хил ҳарорат ва концентрацияларда Фон-1 эритмадаги коррозия тезлиги, тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражаси ва ҳимоялаш даражалари кўрсатилган. Ҳарорат 20-40°C оралиғида олинган. Энг яхши натижа 40°C ҳароратда, 150 мг/л концентрацияда самарадорлик 93.08% фоизни ташкил этди.




9-расм. Турли ҳарорат оралиғларида ДФГТ ингибитори ва ингибиторсиз Фон-1 эритмадаги коррозия тезлиги




10-расм. ДФГТ ингибитори иштирокида хар хил ҳарорат ва концентрацияларда Фон-1 эритмадаги коррозия тезлиги

Ушбу графикларда ДФГТ ингибитори ва ингибиторсиз хар ҳил ҳарорат ва концентрацияларда Фон-1 эритмадаги коррозия тезлиги ҳамда ингибиторни ҳимоялаш самарадорлиги келтирилган.



11-расм. Хар ҳил ҳарорат ва концентрацияларда ДФГТ ингибиторининг Фон-1 эритмадаги ҳимоялаш самарадорлиги

Электрокимёвий таҳлил усуллари, қутбланиш эгрлари усулида олинган натижалар таҳлили:



12-расм. Ишлаб чиқилган ингибиторларнинг 125 мг/л концентрациядаги эритмалари иштирокида, Фон-1 эритмада пўлат электродининг қутбланиш эгрлари.

Фон-1 ишчи эритма муҳитига ЭФГТ композит ингибитори киритилганда коррозия токининг миқдори $1,250 \text{ mA/cm}^2$ дан $0,188 \text{ mA/cm}^2$ гача камайиши кузатилди, МФГТ ингибитори иштирокида эса коррозия токининг миқдори $0,145 \text{ mA/cm}^2$ гача камайди, ДФГТ ингибитори киритилиши коррозия токининг миқдорини $0,088 \text{ mA/cm}^2$ гача камайишига олиб келди (12-расм).

Шу ўринда стационар коррозия потенциалининг миқдори ҳам ингибиторларнинг юқорида келтирилган навбати бўйича манфийдан


мусбатга қараб силжиши аниқланди. Шу билан бирга ингибиторлар иштирокида тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражаси ва ҳимоялаш самарадорликлари аниқланди. Жадвалдан кўришиб турибдики ингибиторлар турига қараб тормозлаш коэффициенти ҳам ортиб борганлигини кўриш мумкин, энг яхши кўрсаткич ДФГТ композит ингибиторида бўлиб тормозлаш коэффициенти 14.20 ни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Фон-1 эритмадаги қутбланиш эгрлари усулида топилган ингибиторларнинг тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражаси ва самарадорлиги

Ингибиторлар	C, (мг/л)	i_c , (мА/см ²)	γ	θ	η , (%)
Фон-1	125	1,250	–	–	–
ЭФГТ		0,188	6,64	0,849	84,96
МФГТ		0,145	8,62	0,884	88,4
ДФГТ		0,088	14,20	0,929	92,96

ЭФГТ, МФГТ, ДФГТ композит ингибиторлари мос равишда 84,96%, 88,4%, 92,96% ҳимоялаш самарадорлигини кўрсатди. Ингибиторлар орасидан ДФГТ композит ингибиторида қолган ингибиторларга қараганда коррозия токининг қиймати кўпроқ камайиши кузатилди.



13-расм. Ишлаб чиқилган ингибиторларнинг 125 мг/л концентрациядаги эритмалари иштирокида, Фон-2 эритмада пўлат электродининг қутбланиш эгрлари.

Олинган композит ингибиторларнинг ишчи фон-2 эритмадаги қутбланиш эгрлари таҳлил қилиниб, коррозия токи қиймати ва стационар коррозия потенциалининг қийматлари силжиши аниқлаб борилди (13-расм).

Ингибиторларнинг ишчи фон-2 эритмада ўтказилган электрохимий таҳлил натижаларига асосан коррозия токининг миқдори 1,160 мА/см² га тенг бўлиб, стационар коррозия потенциалнинг миқдори эса 0,330 В га тенглиги

аниқланди. Ишчи фон-2 эритмага композит ингибиторлар қўшилганда коррозия токининг миқдори камайганлиги, стационар коррозион потенциалнинг миқдори манфийдан мусбат томонга оғиши содир бўлди (4-жадвал). Бундан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, композит ингибиторлар аралаш таъсир қилиб, ҳам анод, ҳам катод жараёнларини секинлаштириши аниқланди. Ингибиторларнинг ҳимоялаш кўрсаткичи 84% дан 93% гача етди.

4-жадвал


Фон-2 эритмадаги кутбланиш эгрлари усулида аниқланган ингибиторларнинг тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражаси ва самарадорлиги

Ингибиторлар	C, (мг/л)	$i_{c,2}$ (мА/см ²)	γ	θ	η , (%)
Фон-2	125	1,160	—	—	—
ЭФГТ		0,181	6,4	0,8439	84,39
МФГТ		0,137	8,47	0,8818	88,18
ДФГТ		0,079	14,68	0,9318	93,18

Бу жадвалда эса ишчи фон-2 эритмадаги ингибиторлар иштирокида тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражаси ва ҳимоялаш самарадорликлари аниқланди.

“Этилендиамин ва этаноламинлар асосида олинган композит коррозия ингибиторларининг олиш технологияси” га қаратилган тўртинчи бобда йиғилган ва тадқиқ қилиб чиқилган маълумотларга асосланган ҳолда этилендиамин ва этаноламинлар асосидаги коррозия ингибиторларини олишнинг қуйидаги принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди ва янги турдаги композит коррозия ингибиторларини олишнинг принципиал технологик схемаси (14-расм) да батафсил ифодаланган.

Ушбу усул билан ЭФГТ маркали композит ингибиторини олишда иситиш тизими, совутгич ва якорли аралаштиргич билан жиҳозланган реактор R-1 га E-1, E-2, E-3 ва E-4 сиғимли идишлардан керакли (эквивалент) миқдорларда этилендиамин, фосфат кислота ва глицерин моддаларидан солинади. Реактор R-1 га солинган моддалар жадал аралаштириб турилган ҳолда 120-130°C ҳароратда 0,5 соат давомида қиздирилади. Шундан сўнг реактордаги моддалар аралашмасига қисмлаб тиокарбамид солиб турилади, ва яна 180°C ҳароратда 1-1,5 соат давомида аммиак гази ажралиши бутунлай тугамагунча аралаштирилади. Бир жинсли гомоген аралашма ҳосил бўлади. Сўнгра реактор R-1 дан асосий маҳсулот K-1 қурилмада қурилади ва ундан F-2 майдалагичга юборилади. Майдаланган маҳсулот маҳсус қадоклаш қурилмаларида қопларга қадокланади. Ушбу ишлаб чиқариш технологияси қурилмаларнинг мураккаб бўлмаганлиги ва ресурс тежамкорлиги билан ажралиб туради.



R-1 реактор, E-1-этилендиамин учун резервуар, E-2 фосфат кислота учун резервуар, E-3 глицерин учун резервуар, E-4 тиомочевина учун резервуар, K-1 куришиш учун мослама, F-1 майдалаш учун курилма, S-гайёр махсулотни қадоқлаш.

14-расм. ЭФГТ маркали композит ингибиторини олишнинг принципиал технологик схемаси

Этилендиамин ва этаноламинлар асосида олинган коррозия ингибиторларининг амалиётда қўлланилишининг техник иқтисодий самарадорлиги: Ишлаб чиқилган коррозия ингибиторларининг амалиётда қўлланилишидан келиб чиқадиган умумий ва солиштирма иқтисодий самарадорлик бошқа турдаги ингибиторлар таннархидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Шу бўйича ДФГТ коррозия ингибиторининг 1 тоннасини ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган дастлабки хомашёларнинг нархи 1 т композит коррозия ингибиторини ишлаб чиқариш учун жами 12036000 сўм миқдорда дастлабки хомашёлар сарфланади.

Композит иингибиторнинг 1 тоннасини ишлаб чиқаришдаги умумий харажатлар миқдори 13927570 сўмни ташкил этди.

5-жадвал

ДФГК коррозия ингибиторининг нарх структураси

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори, кг (ишчи эритма)	Бир бирлигининг нархи, сўм	Умумий йиғинди, сўм
1	ДФГК	кг	1000	13927	13927570
Жами					13927570

5-жадвалда диэтанолламин, ортофосфат кислота, карбамид асосида олинган металллар коррозиясини олдини олувчи самарадор бўлган янги турдаги ингибиторнинг 1 тоннасини ишлаб чиқариш учун 13927570 сўм миқдорда дастлабки хомашёлар сарфланиши юқоридаги жадвалда келтириб ўтилган. Кўпчилик ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиб келинаётган ҳамда республикамиз саноат корхоналарида ҳам шу

кунга қадар қўлланилиб келган импорт FLOGARD MS6217 маркали коррозия ингибиторининг қуйидаги жадвалда таннархи кўрсатилган.

6-жадвал

Хорижий FLOGARD MS6217 маркали коррозия ингибиторининг нарх структураси

№	Номланиши	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Бир бирлигининг нархи, сўм	Умумий йиғинди, сўм
1	FLOGARD MS6217	кг	1000	18480	18 480 000
Жами:					18 480 000

6-жадвалда келтирилгани каби, 1 тонна FLOGARD MS6217 маркали коррозия ингибиторининг республикамизга импорти учун жами 18480000 минг сўм миқдорда пул сарфланади.

Шу тариқа, моно ва диэтанолламинлар шунингдек, этилендиамин тиокарбамид, карбамид асосида пўлат коррозиясини олдини олувчи самарали композит ингибиторлар синтез қилиб олинди. Олинган ингибиторларнинг ГОСТ талаблари бўйича, тегишли шароитларда тажриба-синовлари ўтказилди. Шунингдек олинган ингибиторларнинг ишлаб чиқариш мажмуаси синовларидан “Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ да (“Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг 2022 йил 27 апрелдаги № 030/1635-сон маълумотномаси) мувоффақиятли тарзда ўтди. Хисоблашларга асосан ДФГК, ДФГТ маркали ингибиторлардан фойдаланишда келадиган иқтисодий самарадорлик металл конструкциялари ва қувурларнинг эксплуатация муддатларини даврий равишда узайишга ва фойдаланиладиган импорт ингибиторлар ўрнини маҳаллий ингибиторлар эгаллаши натижасида ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий самарадорлик нисбатан юқори бўлади.

Юқорида келтириб ўтилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, моно ва диэтанолламинлар ҳамда этилендиамин тиокарбамид, карбамид асосида синтез қилинган ингибиторлар пўлат металл конструкциялари ва қувурларнинг коррозиясини сезирарли даражада секинлаштириши ҳамда химоя самарадорлигини юқори бўлиши ушбу ингибиторлардан амалда фойдаланиш мумкин бўлишини кўрсатмоқда.

ХУЛОСАЛАР

1. Компонентларнинг мол нисбатлари ва таркибини ўзгартириш орқали ҳар хил агрессив муҳитларга самарали турли хил коррозия ингибиторлари олиш технологияси ишлаб чиқилган. Барча олинган бирикмаларда янги ҳосил бўлган функционал гуруҳлар ИҚ-спектроскопик усули ёрдамида тасдиқланган.

2. ЭФГК, ЭФГТ, ДФГК, ДФГТ, МФГК, МФГТ маркали ингибиторларни олишнинг оптимал шароитлари ўрганилган ва реакция унуми юқори (80-87%) эканлиги аниқланган.

3. ЭФГТ ва ДФГТ типидagi ингибиторларнинг 0,5 М HCl ва 0,5 М H₂SO₄ эритмаларида 20°C ҳароратда 24 соат давомидаги самарадорлиги концентрация ва вақтнинг ошиши билан ортиб бориши ва ингибиторларнинг хлорид кислотадаги самарадорлиги сульфат кислотадагига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Шунингдек, ҳароратнинг 70°C гача бўлган оралиғида ингибиторларнинг ҳимоялаш самарадорлиги ҳар иккала агрессив муҳитда у даражада катта бўлмаган фарқ билан ошишини кўрсатса, ҳароратни 75°C га ва ундан юқorigа кўтарилиши сульфат кислота муҳитида барча ингибиторларнинг самарадорлиги пасайиш томонга силжиши аниқланди.

4. Коррозия тезлиги, ҳимоялаш самарадорлиги, тормозлаш коэффиценти, сиртни тўла қоплаш даражаси, коррозия токи ва стандарт потенциали, кутбланиш эгрлари ва адсорбция жараёни ҳамда мувозанат константалари орасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланди.

5. Ишлаб чиқилган коррозия ингибиторларининг хлорид ва сульфат кислотали муҳитдаги концентрациясини 100 мг/л дан 500 мг/л га кўпайтирилиши, худди шу муҳитдаги коррозия тезлигини, 10 соатда, 18-42 мартадан 55-120 мартагача секинлаштириши аниқланган.

6. 100 мг/л концентрацияли ЭФГТ ва ДФГТ ингибиторлари, 0,5 М ли HCl ва 0,5 М ли H₂SO₄ муҳитида 24-120 соат давомида юқори ингибиторлик хусусиятларини (90-95%) намоён қилиши аниқланди.

7. ЭФГТ, ЭФГК, ДФГТ ва МФГТ композит ингибиторлари “Sho‘rtan gaz kimyo majmuasi” МЧЖ нинг ёпиқ сув айланма системаларида коррозия жараёнини секинлаштириш учун амалиётига жорий қилинган ва иқтисодий самарадорлиги асослаб берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.К/Т.87.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МАХАММАДИЕВ ОЙБЕК РАМАЗОН УГЛИ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ИНГИБИТОРОВ
КОРРОЗИИ, ПРЕДОТВРАЩАЮЩИХ КОРРОЗИЮ МЕТАЛЛОВ, НА
ОСНОВЕ МЕСТНОГО СЫРЬЯ**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/Г1725.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.terstu.uz и информационно-образовательном портале ZIYONET по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель: Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каримов Маъсуд Убайдулла угли
доктор технических наук, профессор

Нарзуллаев Акмал Холлинович
доктор философии по техническим наукам, доцент

Ведущая организация: Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится « 28 » 02 2023 г. в « 9⁰⁰ » часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.K/T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р.-н, ул. Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 2023/5, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р.-н, п.о.Шурабазар, тел: (+99895) 144-67-83, E-mail: ooo_tniixt@mail.ru, TKTITI@exat.uz).

Автореферат диссертации разослан « 26 » 02 2023 года.
(протокол рассылки № 2023/5 от « 26 » 02 2023 г.).



А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., проф., академик

Ш.Д. Ширинов
Член секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD тех., с.н.с.

Ф.Н. Нуркулов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Важно разработать конкурентоспособные и высокоэффективные ингибиторы, защищающие металлоконструкции от коррозии в агрессивных средах в глобальном масштабе. Стремительный рост отрасли и высокий спрос на металлопродукцию вызывают увеличение потребности в эффективных ингибиторах, применяемых в кислых и щелочных средах. Особое внимание уделяется разработке экономичных и экологически безопасных композиционных ингибиторов с отказом от однокомпонентных ингибиторов высокой концентрации. Также анализ ингибиторных свойств имеет большое практическое значение в результате изучения механизма влияния состава ингибитора, количества, температуры и характера агрессивной среды на уровень защиты ингибиторов при ликвидации коррозионного процесса.

Сегодня в мире ведутся исследования по разработке эффективных ингибиторов коррозии металлов на основе органических и неорганических веществ, растворимых в воде и масле, на основе ароматических и алифатических соединений, содержащих азот, фосфор и серу, ароматических и алифатических соединений, содержащих аминоксигруппы, а также полисиликаты и комплексные соединения. Исходя из этого, вместо сложных, дорогих и токсичных ингибиторов особое внимание уделяется получению экологически безопасных, экологически чистых композиционных ингибиторов, состоящих из двух и более компонентов на основе местного сырья и промышленных вторичных продуктов.

В нашей республике достигаются определенные научные и практические результаты по разработке композиций и многофункциональных эффективных ингибиторов на основе местного сырья и промышленных вторичных продуктов. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи и планомерная работа по теме «на основе глубокой переработки местного сырья ускорить выпуск готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, осваивать и совершенствовать технологии получения качественно новой продукции». В связи с этим были проведены практические исследования по получению олигомерных композиционных соединений, препятствующих коррозии металлических предметов. Это имеет большое значение при разработке и внедрении технологий получения новых видов ингибирующих соединений на основе промышленных отходов.

Работа выполнена на основании указа Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового

